

УДК 821.512.133 (092) Қодирий

## МАТНИИ ЯРАТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ИЛМИЙ ТАЛҚИНИДА



**Латофат Исматовна ТАШМУХАМЕДОВА**

Доцент

Услубият ва тахрир кафедраси

Журналистика факультети

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Тошкент, Ўзбекистон

[latofat70.lt@gmail.com](mailto:latofat70.lt@gmail.com)

### Аннотация

Мақолада Абдулла Қодирийнинг ижод қонуниятлари, журналист масъулияти, тил ва услубнинг ўзига хослиги, матни яратиш принциплари, ҳаёт ҳақиқатини бадиий ҳақиқатга айлантиришда ижодкорнинг маҳоратига тегишли илмий-эстетик қарашлари таҳлил этилган. Адибнинг адабий-танқидий мақолалари илмий салмоғи, миллий ўзига хослиги билан ажралиб туради. Ушбу мақола материали ўзбек олимларининг бу борадаги илмий изланишларини умумлаштиради. Илмий мақоланинг мақсади – матн яратиш тамойилларини Абдулла Қодирий талқинига асосланган ҳолда таҳлил этиш.

**Калит сўзлар:** журналистика; матн; тил; услуб; ижод; адабий-эстетик қарашлар.

## ПРИНЦИПЫ ПОСТРОЕНИЯ ТЕКСТА В НАУЧНОЙ ИНТЕРПРЕТАЦИИ АБДУЛЛЫ КАДЫРИ

**Латофат Исматовна ТАШМУХАМЕДОВА**

Доцент

Кафедра стилистики и редактирования

Факультет журналистики

Национальный Университет Узбекистана

имени Мирзо Улугбека

Ташкент, Узбекистан

[latofat70.lt@gmail.com](mailto:latofat70.lt@gmail.com)

### Аннотация

В настоящей статье исследованы научно-эстетические взгляды Абдуллы Кадыри, связанные с закономерностью творчества, ответственностью журналиста, языком и стилем журналистских материалов, принципами построения текста, с мастерством перевоплощения реальной жизни в художественную реальность. Литературно-критические статьи Абдуллы Кадыри отличаются научной весомостью и своеобразием отражения национальной специфики. Материалы данной статьи обобщают научные изыскания учёных Узбекистана по данному вопросу. Цель статьи – проанализировать принципы построения текста на основе интерпретации данного вопроса в творчестве Абдуллы Кадыри.

**Ключевые слова:** журналистика; текст; язык; стиль; творчество; литературно-эстетические взгляды.

## PRINCIPLES OF TEXT WRITING BASED ABLULLA KADIRIY'S SCIENTIFIC INTERPRETATION

**Latofat Ismatovna TASHMUKHAMEDOVA**

Docent

Department of Stylistics and Editing

Faculty of Journalism

National University of Uzbekistan

named after Mirzo Ulugbek

Tashkent, Uzbekistan

[latofat70.lt@gmail.com](mailto:latofat70.lt@gmail.com)

### Abstract

Abdulla Kadiriyy's scientific-aesthetic views regarding creativity patterns, journalist's responsibility, language and styles of journalistic materials, artistic skills in turning life's reality into artistic reality are distinguished by their scientific value and national identity. The information for this research is collected from scientific works of Uzbek scientists. The purpose of the work is to analyze the principles of textual writing based on Abdulla Kadiriyy's interpretation.

**Keywords:** journalism; text; language; style; creativity; literary and aesthetic views.

Абдулла Қодирий XX аср ўзбек журналистикасининг энг ёрқин сиймоларидан биридир. Қодирийдек серқирра ижодкорнинг бадиий мероси тадқиқи билан бирга унинг адабий қарашларини, адабий-бадиий танқидчилик, матбуот ва ҳажвиёт масалаларига оид фикрларини ўрганиш, илмий жиҳатдан тадқиқ этиш эҳтиёжи катта. Қодирийнинг кўп йиллик изланишлари, адабий-танқидий мероси муайян илмий хулосалар чиқаришга ёрдам беради.

Қодирийнинг турли муносабатлар билан ҳар хил мавзуларда чоп этган адабий-танқидий мақолаларида изчил мантиқий яхлитлик, узвий боғлиқлик мавжуд. Бу мақолаларнинг ҳар бири Қодирий адабий-эстетик қарашларининг муайян жиҳатларини ёритиб туради, энг муҳими, деярли бир аср олдин айтилган бу фикрлар бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган.

Абдулла Қодирий 1913–1937-йиллар мобайнида ижод қилган деб белгиланса, унинг реалистик адабиёт моҳиятини англаш жараёни кучайган, баҳс-мунозаралар авж олган, ҳаётни идрок қилиш ва бадиий ифодалашдан иборат эстетик дастурлар пайдо бўлиб, ривожланиб, таназзулга юз бурган (символизм, акмеизм, футуризм каби), эстетик полифония ва плюрализм, фикрдаги нисбий эркинликнинг тобора сиқиб чиқарилаётган даврда қалам тебратгани аён бўлади.

Абдулла Қодирийнинг адабий-танқидий, эстетик мероси кўйидаги тўрт йўналишдаги ишларида ўз ифодасини топган:

1. Матбуот, “Муштум” журнали ва ҳажвиётга оид мақолалари.
2. Романларга ёзган “Сўз боши” лари.
3. Шарҳ-изоҳлари: (ўз асарлари теварагида борган баҳс-мунозаралардаги фикрларга билдирилган муносабатлар).
4. Алоҳида ёзувчилар ижоди, санъат ва адабиёт асарларига бағишланган мақолалар (1, 21).

Абдулла Қодирий ўз ирода-майллари ифода этишда, баҳс-мунозараларда ижтимоий-эстетик, ахлоқий-маърифий муаммолар тўғрисидаги қарашларини ҳимоя этишда жамиятнинг етакчи ғоясидан муҳофазаланишга, ўрни билан уни тасдиқлашга ҳам мажбур эди.

Ўша йиллардаги баҳс-мунозаралар фақат кенг кўламда эмас, балки ўта зиддиятли кўринишларда кечган: тил ва имло, матбуот масалалари (Назир Тўрақулов – Жулқунбой ва бошқалар баҳси), адабий мерос (Фитрат, Отажон Ҳошим – Жалил Бойбулатов баҳси), нафис адабиёт билан боғлиқ муаммолар (Чўлпон – Ҳамза; Жулқунбой – Сотти Ҳусайн мунозаралари), “Муштум” журналининг турмушга муносабати (Ғози Юнус ва Қодирий тортишувлари) ва бошқалар шулар жумласидандир. Қодирий ижодига ҳам бу баҳслар муайян даражада таъсир қилди. Баъзан адибнинг расмий фикрлар таъсирида ўз эстетик тамойилларидан чалғиб қолгандек ҳолатлари ҳам бўлган. Унинг иккиланган, давр сиёсатига қисман умид боғлаган онлари ҳам, муроса-мадора йўлини тутган фурсатлари ҳам мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Шунини алоҳида таъкидлаш зарурки, Қодирий эстетикаси хронологик изчиллик ва тадрижий ўсиш йўсинида ўрганилганда, унинг публицистик мақолаларида расмийликнинг устуворлигини, бадиий асарларида эса адиб ўзини анча эркин ҳис қилганлигини кузатиш мумкин. Абдулла Қодирийнинг ўз қарашларидаги бундай зиддиятларни амалда баргараф этишга интилгани муҳимдир.

Абдулла Қодирий ўз даврининг фарзанди. Адабий жараёнга муносабат билдирар экан, у давр адабий-эстетик тафаккури даражасида, нари борса, унинг олдинги сафида туриши мумкин. Бироқ, ижод шундай мураккаб ва серкатлам ҳодисаки, унда чинакам истеъдод соҳиби юқоридаги қоидага ҳамиша ҳам тўла амал қилмаслиги, ғайришуурий тарзда ўз давридан анча илгарилаб кетиши ҳам мумкин. Қодирий айтилмоқчи бўлган фикрнинг мазмундорлиги, сўзнинг залвори ва жозибаси, характернинг табиийлиги, тасвир аниқлиги, ифоданинг тушунарли бўлиши, услуб раволиги, ижодкор самимияти, истеъдодининг даражаси каби ўнлаб масалаларни кун тартибига қўяди. Унинг бу борадаги фикрлари афоризм даражасига етган: “Сўз – қолип, фикр унинг ичига қуйилган ғишт бўлсин, кўпчилик хумдонидан пишиб чиққач, янги ҳаёт айвонига асос

бўлиб ётсин”, “Сўз сўйлашда ва улардан жумла тузишда узоқ андиша керак”. “Бир соатда эмас, ўн соатда ёзиш, бир қайта эмас, ўн қайта тузатиш кишининг ёрдамига термулишга қараганда ҳам фойдалиқ ҳам унумлидир”, “Хунар бўлса (маҳорат демокчи – Л.Т.) хонақоҳ ҳеч бир вақт торлиқ қилмас” (2, 186–187). Биргина мақола доирасида кузатилган бундай фикрлар адибнинг қалам аҳлигагина эмас, адабиёт-санъат, матбуот олдига қўйган қатъий талаблари эди ва бугун ҳам аҳамиятини йўқотмаган.

Абдулла Қодирий ижод маҳсули олдига услубий ўзига хослик, сўздан фойдаланишда ўта зийраклик, миллийлик, ҳаётийлик, табиийлик, ҳаққонийлик, мантиқий далилланганлик, миллий руҳнинг миллатга мансуб кишида акс этиши каби талабларни юксак мавқедан туриб қўя билган.

Абдулла Қодирий 1935 йил 10 март куни “Ёш ленинчи” газетаси қошидаги адабий тўғаракда ўз адабий тажрибаларини ёш ижодкорлар билан ўртоқлашади. Абдулла Қодирий маърузасидан кўзланган мақсад, бизнингча, ёш ижодкорларга тўғри йўл кўрсатиш эди. Унинг адабий-эстетик концепциясига кўра ёш қаламкаш қуйидаги босқичларни босиб ўтиши лозим:

- турмуш ичига кириб, унинг турли соҳаларини теран ўрганиш;
- синчков кузатувчанлик орқали йиғилган материалларга таяниб асарнинг ҳаётийлик даражасини ошириш қобилиятини ўстириш;
- ижод жараёнининг индивидуал табиати ўзида қандай кечаётгани хусусида ибратли хулосалар чиқариш;
- маҳоратни тинимсиз ошириш;
- устоз сўз санъаткорлари асарларини синчковлик билан ўқиб-ўрганиш.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, Абдулла Қодирий ўз тажрибалари муайян даражада ёшларга ибрат бўлишини кўзлаган. Келгуси режалари билан ўртоқлашган. Маърузага қизгин тайёрланиш асносида Абдулла Қодирий ижодий йўлининг барча жиҳатларини таҳлил этиб, тегишли хулосалар чиқарган. Абдулла Қодирий ёшлар олдига қўяётган талаблар нафақат ўз даври ва бизнинг кунларимиз, балки барча даврлар учун ўлмас фикр-мулоҳазалардир. Ўттизинчи йиллар шўро сиёсати устувор бўлган бир даврда масалаларнинг бундай жасорат билан принципиал қўйилиши ва ҳал этилиши катта аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаш лозим.

Абдулла Қодирий ижодининг каттагина қисмини публицистик асарлар ташкил қилган бўлиб, адиб мазкур асарларида ҳам ўз даврининг йирик муаммоларига ҳажвий танқид орқали замондошлари эътиборини тортади. У ижтимоий-танқидий кулги воситасида ҳаётдаги фактлар, воқеа ва ҳодисаларга ўз муносабатини билдиради, камчилик ва нуқсонларга халқчиллик,

маърифатпарварлик, ватанпарварлик идеаллари нуқтаи назаридан баҳо беради. Ёзувчининг ҳажвий танқидни қурол қилиб танлашининг сабаби, унинг ўзи таъкидлаганидек, ҳажвиёт, кулги орқали халқнинг кўнглига кириш, унинг диққатини тортиш бўлган. Қодирий сатиранинг демократик характерини, халқчил моҳиятини, унинг предмети ва кулги либосида бўлишини, жамият тараққиётида ўйнайдиган ролини теран тушунар эди. Адиб бу хусусда шундай ёзади: “Адабиёт дунёсида икки хил танқид бор: жиддий танқид ва ҳажвий танқид. Жиддий танқид ўзининг кузатган нишонаси устида ўзгаришлар ясаса ҳам, аммо кўпинча авомга мажҳулроқ бўлиб ўтади. Жиддий танқид баҳс қилинган масаланинг ўз аҳлига, яъни юқори табақа – зиёлиларга махсус кабидир. Танқиднинг иккинчи хили бўлган ҳажвий танқид (сатира маъноси билан) оммавий дейилса бўлади. Чунки кулки танқиди турмуш бўлиб учқувчи бургутдир” (3, 184).

Унинг сатирик ва юмористик асарларида ўзбек тили имкониятларининг энг гўзал товланишларини, беозор ҳазилдан тортиб ўткир заҳархандагача учратиш мумкин, ўзига хос қочиримлар эса ўқувчининг эътиборини беихтиёр жалб қилади. Масалан, Калвак Махзумнинг гўдаклик чоғлари, ташқи кўринишини тасвирлар экан, “Муштум” журнали услубига мос бўлган ҳажвий кулгунининг гувоҳи бўлсак, Калвак Махзумнинг кутубхонада кутубхоначи билан суҳбатини кузатар эканмиз, ёзувчининг қаҳрамонига бўлган хурматини у сўраётган асарларнинг номини санаш орқали билдиради. Гап шундаки, Калвак дея ном берилган бош қаҳрамон энг мураккаб ва мўътабар илмий ва диний китобларни ўқиш учун сўраётган эди. Муаллифнинг бетакрор услуби орқали ҳозиргина масхараланаётган образ икки-уч жумладан сўнг китобхон олдида юксак мавқега эга бўлди.

Қодирий ижодда қуйидаги тамойилларга амал қилган:

- ҳаёт ҳақиқатига садоқат: ҳаётийлик, ҳаққонийлик, миллийлик;
- тасвирда холислик;
- тилимизнинг имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда, бетакрор матнлар яратиш;
- тарихий ҳақиқатни бадиий ҳақиқатга айлантириш;
- шаклий-услубий изланишларга хайрихоҳлик;
- ижодкор маҳорати даражаси ва китобхон савияси мутаносиблиги.

Абдулла Қодирийнинг ўзбек журналистикаси энди шаклланаётган даврда ижодкорлар олдида қўйган бу тамойиллар ва қарашлар орадан деярли бир аср ўтсада, замонавий журналистиканинг, матбуотимизнинг салоҳиятини

оширишга, дунё журналистикасининг замонавий мезонларига жавоб бера оладиган журналистикага ўз хиссасини қўша олади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ташмухамедова Л.И. Абдулла Қодирийнинг адабий-эстетик қарашлари. Фил. фан. номз. дисс. –Т., 2005, – 128 б.
2. Қодирий Абдулла. Кичик асарлар. – Т.: Ўқитувчи, 1969. – 216 б.
3. Қодирий Абдулла. 26-нчи йилда кулдирувчиларимиз. Кичик асарлар. –Т.: Ўқитувчи, 1969. – 184 б.

#### REFERENCES

1. Tashmuhamedova L.I. *Abdulla Qodiriyning adabiy-estetik qarashlari* (Literature-aesthetic views of Abdulla Qadiri), Extended abstract of candidate’s thesis, 2005, 128 p.
2. Qodiriy A. *Kichik asarlar* (Small stories), Tashkent: Uqituvchi, 1969, 216 p.
3. Qodiriy A. *26- yilda kuldiruvchilarimiz. Kichik asarlar* (Humorists. Small stories). Tashkent: Uqituvchi, 1969, 184 p.